

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
ПРЕЗИДЕНТА  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 16 “ март

№ ПҚ-3607

„ \_\_\_\_\_ “ \_\_\_\_\_ 20 г.

**Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини  
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, рақобатбардош замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу аснода ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида:

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Самарқанд вилоятида 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизида кичик саноат зоналарини (кейинги ўринларда КСЗ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда фойдаланилмаётган тегишли ишлаб чиқариш майдонлари ва давлат мулки объектларининг бир ой муддатда Самарқанд вилояти ҳокимлигига белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин, шунингдек, давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг мажлисларида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектларни бюджет ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги солиқ бўйича қарздорлиги, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда устав жамғармаларидаги давлат улуши ва хўжалик жамиятлари бошқарув органларининг улушини бериладиган активларнинг қолдиқ (баланс) қиймати суммасига камайтириш ҳисобидан ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Самарқанд вилояти ҳокимлиги тасарруфига бериш масаласи кўриб чиқилишини таъминласин.

### 3. Белгилаб кўйилсинки:

КСЗ худудидаги давлат кўчмас мулки тадбиркорлик субъектларига бизнес режаларни бажариш, иш ўринларини яратиш ва сақлаш, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарти билан кейинчалик мулк ҳукуки берилган ҳолда 10 йиллик узок муддатга ижарага берилади;

КСЗ худудидаги кўчмас давлат мулкидан ижара даврида фойдаланиш учун ижара тўловининг ижарага олинган майдонда амалга оширилаётган фаолият туридан келиб чиқиб, ортиб борадиган коэффициентни кўллამасдан, давлат мулкидан фойдаланиш учун ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади.

КСЗ иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкалари ажратиб бериш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарори билан ташкил этилган Самарқанд вилояти Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан қабул қилинади.

4. Самарқанд вилоятининг Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши бир ой муддатда КСЗ дирекциясини ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Белгилансинки, КСЗ дирекцияси ва иштирокчиларига 2020 йилнинг 1 февралига қадар улар эгаллаб турган майдондан келиб чиққан ҳолда ҳисобланадиган ер солиғининг белгиланган энг кам - уч баравари миқдордаги ягона солиқ тўлови бўйича қонунчиликда назарда тутилган талаб татбиқ этилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси КСЗда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун 50 млн. АҚШ доллари миқдордаги кредит линияларини тижорат банклари орқали икки ой муддатда белгиланган тартибда очсин.

### 7. Белгилаб кўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит линиялари маблағлари импорт ускуналар ва уларга бутловчи қисмларни харид қилиш учун ажратилади;

кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг кредитни қоплаш қунидаги курси бўйича миллий валютада кредитни қоплаш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

8. Самарқанд вилояти кичик саноат зоналарида муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларининг манзилли рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Самарқанд вилояти Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича қарорнинг 2-иловасига мувофиқ бўлиниш чегарасигача Самарқанд вилояти КСЗларининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларини бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ Самарқанд вилояти КСЗда муҳандислик–коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини қайта тиклаш ишларини амалга ошириш учун тармоқ жадвалларини тасдиқласинлар ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

9. Самарқанд вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

Самарқанд вилояти иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал–хомашё, қишлоқ хўжалиги ресурсларини ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда Самарқанд вилояти КСЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар – “йўл хариталари” икки ой муддатда ишлаб чиқилишини;

Самарқанд вилояти КСЗ ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларнинг тадбиркорлик субъектларига етказилишини;

КСЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, Самарқанд вилояти КСЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомаларини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқиш юзасидан чоралар кўрилишини;

Самарқанд вилояти КСЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни ташкил этиш инвестиция лойиҳаларининг бизнес-режаларини ишлаб чиқишда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашишни таъминласинлар.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2018 йил 15 июль ва 2019 йил 15 январда ахборот берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинетининг 1990 йил 26 ноябрдаги 409-р-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси А.Ж.Раматов, Бош вазир ўринбосари –Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раиси С.Р.Холмурадов, Иқтисодиёт вазири Б.А.Ходжаев, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси Р.А.Гулямов ва Самарқанд вилояти ҳокими Т.И.Жўраев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон  
Республикаси Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

**Самарқанд вилоятида давлат мулки ва устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик  
юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари  
ва объектлари негизда ташкил этилаётган кичик саноат зоналарининг  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ташкил этилаётган КСЗнинг номи	Объектнинг номи	Худуди (га)**	Бино-иншоотлар майдони (қв.м)**
1	Оқдарё тумани КСЗ	Оқдарё тумани ҳокимлиги балансидаги собиқ “Дахбед” ММТПнинг бино ва иншоотлари	4,0	800,0
2	Булунғур тумани КСЗ	Булунғур тумани ҳоқимлиги балансидаги собиқ “Килдон” АЖнинг бино ва иншоотлари	7,5	1 106,0
3	Жомбой тумани КСЗ	“Автокорхона-2507” ДУКнинг бино ва иншоотлари	4,5	3 400,0
4	Иштихон тумани КСЗ	Иштихон тумани ҳоқимлиги балансидаги собиқ “Бахрин” ММТПнинг бино ва иншоотлари	2,0	1 000,0
5	Каттақўрғон шаҳар КСЗ	Каттақўрғон шаҳар ҳоқимлиги балансидаги собиқ “Ингичка кони” АЖнинг бино ва иншоотлари	3,9	3 679,1
		“Каттақўрғон МТП”нинг бино ва иншоотлари ***	2,1	3 403,4
6	Каттақўрғон тумани КСЗ	“Каттақўрғон пахта тозалаш” АЖга қаршли “Каттаминг” ипакчилик мажмуасининг бино ва иншоотлари *	4,0	1 000,0
7	Қўшработ тумани КСЗ	“Қўшработ МТП”нинг бино ва иншоотлари ***	0,8	500,0
8	Нарпай тумани КСЗ	“Зирабулоқ МТП”нинг бино ва иншоотлари ***	2,6	1 268,9
9	Нуробод тумани КСЗ	“Нуробод МТП”нинг бино ва иншоотлари ***	3,5	2 000,0
10	Пайариқ тумани КСЗ	“Челак МТП”нинг бино ва иншоотлари ***	1,7	1 340,0

Т/р	Ташкил этилаётган КСЗнинг номи	Объектнинг номи	Худуди (га)**	Бино-иншоотлар майдони (кв.м)**
11	Пахтачи тумани КСЗ	Пахтачи туман ҳокимлиги балансидаги “Зиёвуддин пахта тозалаш” АЖга қаршли “Тошкенжаев” пахта қабул қилиш пунктнинг бино ва иншоотлари	6,3	735,5
12	Пастдарғом тумани КСЗ	“Пастдарғом МТП”нинг бино ва иншоотлари ****	3,5	3 000,0
13	Самарқанд тумани КСЗ	Академик Мирзаев номидаги илмий-тадқиқот институти гаражининг бино ва иншоотлари	2,2	3 300,0
14	Самарқанд шаҳар КСЗ	“Вакцина” ИИБ УКнинг бино ва иншоотлари ****	3,0	4 065,0
		Зарафшон магистрал тизими бошқармаси балансидаги бетон қоришмаси ишлаб чиқариш базасининг бино ва иншоотлари	1,5	500,0
<b>Жами:</b>			<b>53,1</b>	<b>31 097,9</b>

\*) Бино-иншоотлар, шунингдек, уларга туташи ҳудудлар хўжалик юритувчи жамиятларнинг тегишли бошқарув органлари йиғилишларида кўриб чиқиш натижаларига кўра аниқланади.

\*\*) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиши ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитаси томонидан туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан биргаликда аниқланади.

\*\*\*) КСЗ чегаралари қишлоқ хўжалиги техникалари жойлаштириладиган майдон инobatга олинган ҳолда аниқланади.

\*\*\*\*) «Вакцина» ИИБ УКнинг 9 қаватли турар-жой бинолари Самарқанд вилояти ҳокимлигига берилади.

2018 йилда Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарининг муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш  
инфраструктурасини қайта тиклаш ишларининг  
Манзилли рўйхати

№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Қувват	Харажатлар миқдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижроочилар
<b>Окдарё тумани КСЗ</b>						
1	250 кВА қувватли мавжуд ТП-4132 трансформаторни 400 кВА қувватли трансформаторга алмаштириш	дона	1	80,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	d=100 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,6	75,0	“Ўзтрансгаз” АЖнинг ўз маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,0	209,0	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>364,0</b>		
<b>Булунгур тумани КСЗ</b>						
1	10 кВ қучланишли электр узатиш ҳаво тармоғини қуриш ва қуввати 250 кВА бўлган трансформатор ўрнатиш	км дона	1,0 1	200,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги

№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Кувват	Харажатлар микдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
2	Сув иншооти ва d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини куриш	дона км	1 1,3	220,0	Давлат бюджети маблаглари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	4К-517 автомобиль йўлининг 15 км участкасидан КСЗга кириш йўлларини таъмирлаш	км	0,5	90,0	Давлат бюджети маблаглари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>						
<b>510,0</b>						
<b>Жомбой тумани КСЗ</b>						
1	10 кВ кучланишли электр узатиш хаво тармоғини куриш ва куввати 250 кВА бўлган трансформаторни ўрнатиш	км дона	5 1	640,0	Давлат бюджети маблаглари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	Ички сув таъминоти тармоқларини ва задвижкаларини таъмирлаш	лойиха асосида		6,6	Давлат бюджети маблаглари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	“Тошкент-Самарқанд” М-39 автомобиль йўлининг 1072 км участкасидан КСЗга кириш йўлини таъмирлаш	км	0,6	9,0	Давлат бюджети маблаглари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>						
<b>655,6</b>						
<b>Иштихон тумани КСЗ</b>						
1	d=114 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини куриш	км	2,5	484,6	Давлат бюджети маблаглари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	100 кВА кувватли мавжуд ТП-136 трансформаторни 400 кВА кувватли трансформаторга алмаштириш	км дона	6,0 1	390,0	Давлат бюджети маблаглари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги

№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Кувват	Харажатлар микдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
3	d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,2	231,0	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
4	4К-550 автомобиль йўлининг 7 км участкасидан КСЗга кириш йўлини таъмирлаш	км	0,4	10,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>						
<b>1 115,6</b>						
<b>Каттақўрғон шаҳар КСЗ</b>						
1	6 кВ қучланишли электр узатиш ҳаво тармоғини қуриш ва қуввати 250 кВА бўлган трансформатор ўрнатиш	км	5	285,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
		дона	1			
2	180 кВА қувватли мавжуд ТП-659 трансформаторни 250 кВА қувватли трансформаторга алмаштириш	кВА	1	150		
		км	0,12			
3	d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш, ички сув таъминоти тармоқларини ва задвижкаларни таъмирлаш	лойиха асосида		239,8	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
4	Каттақўрғон шаҳри КСЗга кириш йўллари таъмирлаш	км	0,6	22,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>						
<b>720,0</b>						



№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/Кувват	Харажатлар микдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>Каттакўрғон тумани КСЗ</b>						
1	560 кВА бўлган ПС 35/0,4 Т-1 (абон.) кувватли трансформаторни куввати 1000 кВА бўлган трансформаторга алмаштириш	дона	1	170,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти хокимлиги
2	Задвижкаларни таъмирлаш	лойиха асосида	8,8		Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти хокимлиги
3	4Р48 автомобиль йўлининг 107-108 км участкасидан КСЗга кириш йўлларини таъмирлаш	км	0,8	350,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти хокимлиги
<b>ЖАМИ</b>						
<b>Кўшрабоғ тумани КСЗ</b>						
1	160 кВА кувватли мавжуд ТП-Д-574 трансформаторни 400 кВА кувватли трансформаторга алмаштириш	дона	1	80,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти хокимлиги
2	Сув иншооти ва d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини куриш	дона км	1 1,1	242,0	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти хокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>						
<b>Нарпай тумани КСЗ</b>						
1	Электр узатиш хаво тармоғини куриш ва реконструкция қилиш ҳамда куввати 400 кВА бўлган трансформатор ўрнатиш	км	6,0	600,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти хокимлиги
2	d=100 мм бўлган газ етказиш тармоғини куриш	км	0,6	115,7	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Самарқанд вилояти хокимлиги

№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Кувват	Харажатлар микдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
3	Задвижаларни таъмирлаш	лойиха асосида		19,8	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
4	4Р-56 автомобиль йўлининг 3,5 км участкадан КСЗга кириш йўллари таъмирлаш	км	3,0	600,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>1 335,5</b>		
<b>Нуробод тумани КСЗ</b>						
1.	25 кВА қувватли мавжуд ТП-(абон.) трансформаторни қуввати 400 кВА бўлган трансформаторга алмаштириш	дона	1	125,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2.	4Р-52 автомобиль йўлининг 27 км участкадан КСЗга кириш йўллари таъмирлаш	кв. м	310	150,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>275,0</b>		
<b>Пайарик тумани КСЗ</b>						
1	d=100 мм бўлган газ етказиш тармоғини қуриш	км	0,5	88,0	“Ўзтрансгаз” АЖнинг ўз маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	10 кВ кучланишли электр узатиш ҳаво тармоқларини реконструкция қилиш	км	3,3	363,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	Сув иншооти ва d=75 мм бўлган сув ўтказиш тармоғини қуриш	дона км	1 0,7	209,0	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>660,0</b>		

№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Микдор/ Кувват	Харажатлар миқдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>Пахтачи тумани КСЗ</b>						
1	10 кВ кучланишли электр узатиш ҳаво тармоғини қуриш ва қуввати 630 кВА бўлган трансформатор нимстанциясини ўрнатиш	км дона	0,5 1	955,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	d=75 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	1,3	187,0	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	M-37 автомобиль йўлининг 135-136 км участкасидан КСЗга кириш йўлларини таъмирлаш	кв.м	260	12,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>1 154,0</b>		
<b>Пастдарғом тумани КСЗ</b>						
1	10 кВ кучланишли электр узатиш ҳаво тармоғини қуриш ва қуввати 400 кВА бўлган трансформатор ўрнатиш	км дона	3,5 1	480,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	d=100 мм бўлган газ ўтказиш тармоғини қуриш	км	0,1	5,0	“Ўзтрансгаз” АЖ маблағлари	“Ўзтрансгаз” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	Задвижкаларни таъмирлаш	лойиха асосида		24,2	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
4	Пастдарғом тумани КСЗга кириш йўлларини таъмирлаш	км	1	225,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>734,0</b>		

№	Чора-тадбир номи	Ўлчов бирлиги	Миқдор/Кувват	Харажатлар миқдори* (млн. сўм)	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
<b>Самарқанд тумани ҚСЗ</b>						
1	10 кВ кучланишли электр узатиш хаво тармоғини қуриш ва қуввати 400 кВА бўлган трансформатор ўрнатиш	Км дона	0,5 2	245,0	Давлат бюджети маблағлари	“Ўзбекэнерго” АЖ, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
2	Ички сув таъминоти тармоқларини ва задвижкаларни таъмирлаш	лойиха асосида		31,9	Давлат бюджети маблағлари	Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
3	4К-532 автомобиль йўлининг 1-10 км участкасидан ҚСЗга кириш йўлларини таъмирлаш	кв. м	1 000	246,0	Давлат бюджети маблағлари	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги
<b>ЖАМИ:</b>				<b>522,9</b>		
<b>ҲАММАСИ:</b>				<b>8 897,6</b>		

\* Харажатларнинг яқиний миқдори лойиҳа-смета ҳужжатлари ўрнатилган тартида экспертизадан ўтказилиши ва тасдиқланиши натижасида аниқланади.

